

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Үн 23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛХОДЖАЕВ ШЕРЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Адилходжаев Шерзод Шухратович

Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш3

Адилходжаев Шерзод Шухратович

Совершенствование правовых и институциональных механизмов осуществления бюджетного контроля в Республике Узбекистан.....

Adilkhodjaev Sherzod Shuhratovich

Perfection of legal and institutional mechanisms of budget control in the Republic of Uzbekistan.....

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017. Үн 23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АДИЛХОДЖАЕВ ШЕРЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Yu179 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маликова Гулчеҳра Рихсихўжаевна**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Селиманова Светлана Михайловна**
юридик фанлари доктори

Рахимов Абдуманноб Кўзиевич
юридик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 27.06.2017. Yu 23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х.Рахимов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, ю.ф.д., профессор

Г.С. Исмаилова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, ю.ф.д., доцент

И.А. Хамедов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ю.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барча давлатлар учун бюджет тизимининг бошқаруви, ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари энг муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлат бюджетини назорат қилишда, айниқса, давлат қарзини назорат қилиш механизмидаги жиддий камчиликларни очиб берди. Бу, ҳаттоки ривожланган давлатлар учун ҳам энг мураккаб муаммога айланди. Молиявий-иқтисодий инқироз деярли барча ривожланган давлатларни қамраб олган даврда вазият янада чуқурлашди. Зеро иқтисодий инқироз сабаблари орасида давлат маблағларини талон-торож қилиш, меъёрдан зиёд сарфлаш ҳам муҳим ўрин тутди. Айнан шу сабабларга кўра дунёда давлат молия - назорат тизимини такомиллаштириш тенденцияси кучайиб энг долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

Халқаро ва миллий молия ҳуқуқни уйғунлаштириш, молия ҳуқуқининг илмий-назарий асосларини ривожлантириш, институционаллаштириш, кодификациялаш, халқаро универсал манбачиликни ривожлантириш, молия назоратни механизмларини яхшилаш масалаларига қаратилган илмий мунозаралар ҳозирги вақтда кескин олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан молия ҳуқуқини ривожлантириш борасида халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясини кенг жорий этиш, миллий молия ҳуқуқини норматив базасини такомиллаштириш, шунингдек бюджет ҳуқуқини тартибга солиш, йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий тажрибалар асосида давлат молиявий назоратининг коррупцияга қарши курашдаги аҳамияти каттадир. Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003й.) қўшилиб, ва Конвенция қоидаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилган. Хусусан, 2016 йил декабрда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатимиз бюджет тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва ривожлантиришга, бюджет интизомига қатъий риоя қилинишига, бюджет назоратининг ривожланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётида молиявий институтларнинг ўзига хос ўрни ҳақида шундай таъкидланади: “... иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларни муваффақиятли амалга ошириш, энг аввало, иқтисодий ва молиявий органларнинг фаолияти самарадорлигига боғлиқдир. Улар яқин ва узок истиқболга мўлжалланган мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга доир стратегик вазифаларни нафақат ишлаб чиқиши, балки амалга оширишни таъминлаши зарур”¹. Ўзбекистон Республикасининг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.1 - бандида

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси www.president.uz

«харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш»¹ вазифаси қайд этилган. Ушбу йўналишни амалга оширишда давлат молиявий назорати, ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бюджет назоратининг ҳуқуқий асослари, давлат бюджет тизими (122-модда), бюджетни тартибга солиш соҳасидаги вакиллик ва ижро органларининг ваколатини таъминлаш (78, 100-моддалар) белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси давлат молия назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий базасини белгилаб берди. Шунингдек, диссертацияда бюджет муносабатларини тартибга солган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони ва бошқа қонун ости ҳужжатлар таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация ишининг мавзуси республика “Ф1. Жамиятнинг ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги” устувор йўналишига мос.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджети назоратининг назарий асосларини ўрганиш таниқли олимларнинг, яъни ҳуқуқ соҳасининг умумий назарияси ва унинг конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий тармоқлари билан шуғулланган олимлардан С.Е.Батыров, Ш.Б.Билолхўжаева, Е.Д.Кутибаева, А.А.Ли, Г.Р.Маликова, И.Мамаджанов, Л.Рамазанов, Ф.Х.Раҳимов, А.Х.Саидов, А.С.Турсунов, Ш.З.Уразаев, И.А.Хамедов, Э.Т.Хожиев ва бошқаларнинг тадқиқот фойдаланиш заруратини юзага келтирди.

Шунингдек, диссертацион тадқиқот тайёрлаш жараёнида бир қатор хорижий муаллифларнинг илмий ишланмаларидан ҳам фойдаланилди. Бюджет назоратининг турли жиҳатлари А.Барилари, А.Реут, Э.Адкинсон, Д.Стиглиц, ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, тадқиқотда молия ҳуқуқи бўйича илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, А.П.Алёхин, В.В.Бурцев, А.А.Кармолицкий, Ю.М.Козлов, Э.А.Вознесенский, П.М. Годме, О.Н.Горбунова, Е.Ю.Грачева, М.В.Карасева, А.Н.Козирин, Ю.А.Крохина, И.И.Кучеров, В.М.Родионова, Н.И.Химичева ва бошқаларнинг илмий ишлари. Бюджет назорати соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, асосан, иқтисодий характерга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда; 23-сон, 448-модда; 37-сон, 982-модда.

Диссертацион тадқиқотни олиб бориш давомида Халқаро ва Европа олий назорат органлари (INTOSAI, EUROSAI) томонидан эълон қилинган, ўзида турли мамлакатлардаги молиявий назорат органларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши тажрибасини умумлаштирган материаллардан ҳам фойдаланилди. Булар – Назоратнинг раҳбарий принциплари бўйича Лима декларацияси, Давлат назорати учун INTOSAI аудиторлик стандартлари, INTOSAI ва EUROSAI уставларидир.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий режасига киритилган ва “Молия ва маъмурий қонунчилик тизимининг ҳуқуқий асосларини либераллаштиришни такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий ва институционал механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

бюджет назоратининг назарий асослари (тушунчаси, мақсади, вазифалари, тамойиллари, шакл ва усуллари)ни ўрганиш;

молиявий назорат соҳасидаги халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;

бюджет назоратига оид меъёрий-ҳуқуқий базанинг ҳозирги ҳолати, уни такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

бюджет назорати бўйича давлат органлари тизими ҳамда ваколатларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш йўллари аниқлаш;

бюджет назоратининг ҳуқуқий таъминоти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бюджет муносабатлари ва бюджет назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети амалдаги молия қонунчилигининг бюджет назорати масалаларини тартибга солувчи нормалари, шунингдек, уларни қўллаш амалиётидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусига оид масалаларни тадқиқ этишда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция, диалектик усул, умумий ва алоҳида жиҳатларни таққослаш, тизимли таҳлил каби умуммиллий усуллар, шунингдек киёсий ҳуқуқшунослик, ҳуқуқий моделлаштириш, техник-юридик сингари махсус илмий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юридик жавобгарлик тизимида маъмурий, жиноий, фуқоролик жавобгарликлари билан бир қаторда, молиявий-ҳуқуқий жавобгарликни ҳам киритиш асосланган;

Ҳисоб палатасининг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун даражасида регламентация қилиш мақсадида Ҳисоб палатаси ва унинг ваколатлари тўғрисидаги нормани Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига киритиш асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Ғазначилик, унинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нормани Бюджет кодексга киритиш асосланган;

мамлакатимизни халқаро молия мажбуриятларни миллий қонунчилик билан мувофиқлаштириш мақсадида давлат молия ва кредит мажбуриятлар тўғрисида нормаларни Бюджет кодексга киритиш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

давлат бюджети назорати ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ва қонунийликни ўрнатишга, бюджет захираларини самарали бошқаришга, молиявий интизомни таъминлашга, ўз вақтида қоидабузарликларни олдини олиш ҳамда аниқланганларини бартараф этиш чораларини кўришга қаратилган ваколат эканлигига муаллифлик таърифи берилган;

бюджет қонунчилигига риоя қилмаслик бўйича жавобгарлик масалалари;

Ҳисоб палатасининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун даражасида мустақамлаб қўйиш, яъни “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича таклиф асосланган;

давлат молиявий назоратидаги самарадорлик ва тежамкорлик, режалилик, тизимлилик тамойиллари билан тўлдириш илмий асосланган;

бюджет назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши жиҳатини кучайтириш ички молиявий назорат тури эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинган. Ўтказилган социологик сўривнома натижалари анкета шаклларида асосланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг асосий қоида ва хулосалари бюджет қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, тўлиқ равишда бюджет ҳуқуқи ва бюджет назоратининг муаммоларини илмий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ қилиш бўйича ўқув жараёнида, хусусан, “Молия ҳуқуқи”, “Бюджет ҳуқуқи” ихтисослиги бўйича ўқув курсларида ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари илмий айланмага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ҳисоб палатаси ва унинг давлат молия назорат бўйича амалга оширадиган ваколатлари тўғрисидаги таклиф Бюджет кодексининг 174-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитаси 2018 йил 7 майдаги 04/1-28–сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши қонун доирасида давлат бюджети назоратини амалга оширишда Ҳисоб палатанинг ваколатлари белгиланиши ва тартибга солинишига хизмат қилди;

юридик жавобгарлик тизимида маъмурий, жиноий, фуқаролик жавобгарликлари билан бир қаторда молиявий-ҳуқуқий жавобгарлик киритилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Бюджет кодексининг 28-бобидаги 187-модда бюджет интизомини бузиш, 188-модда смета-штат интизомини бузиш, 189-модда бюджет ҳисобини ва молиявий ҳисоботни юритиш тартибини бузиш, 192-моддаларда бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик киритилиши билан ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари Қўмитаси 2018 йил 7 май 04/1-28–сон маълумотномаси). Мазкур таклиф молиявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг жорий этилиши бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини олдини олиш ва бу ҳуқуқбузарлик учун қонун доирасида жавобгарликка тортиш механизмларини тартибга солишга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация “Иқтисодиёт, бошқарув ва ҳуқуқ: муаммоларнинг инновацион ечими”, “Радиоэлектроника, ахборот ва телекоммуникация технологиялари: муаммолар ва тараққиёт” мавзуларидаги халқаро конференцияларда, шунингдек “Конституция – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси” мавзусидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари бўйича 20 та мақола, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тасдиқланган журналларда 5 та мақола, шу жумладан хорижий, “Финансовое право” (Россия), 2017, №2, International Journal of Law журналларида мақолалар (SSN: 2455-2194, RJIF 5.12 www.lawresearchjournal.com Volume 2; Issue 6; November 2016, Page No. 42–43) ҳамда халқаро конференцияларнинг тўпламларида 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий ишнинг ҳажми ва тузилиши унинг мақсад ва васифаларига мувофиқ ҳолда. Диссертация кириш, учта боб, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ҳамда иловадан иборат. Иловада ижтимоий сўров натижалари тақдим этилган. Диссертацион тадқиқотнинг ҳажми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган ҳамда

диссертациянинг мақсад ва вазифалари, методологик асоси, илмий янгилиги, амалий аҳамияти кўрсатилган.

“Давлат молиявий назоратининг назарий асослари” деб номланувчи **биринчи боб**да бюджет назорати тушунчаси, унинг мақсад ва вазифалари очиб берилган. Ҳар қандай суверен давлатнинг иқтисодий ва молиявий пойдевори ўрнатилган тартибда қабул қилиниб, тасдиқланувчи Давлат бюджетдан иборат. Давлатнинг бюджетига қараб унинг нафақат иқтисодий кудрати, балки ижтимоий тараққиётига сарфланадиган харажатлари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Шундай шароитда бюджет соҳасидаги муҳим вазифа тегишли молиявий йил учун белгиланган Давлат бюджети параметрлари оғишмай бажарилишидан иборат. Бюджет муносабатларининг энг асосий вазифаси ҳам бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишига эришиш билан ифодаланади. Ушбу вазифани бажаришнинг самарадор йўлларида бири - бюджет назорати тизимини такомиллаштиришдир. Шунингдек, ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни фаоллаштириш ҳам бу ишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Диссертант бюджет назорати тушунчасига қуйидагича таърифини берган: “Давлат бюджети назорати - бу ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ва қонунийликни ўрнатишга, бюджет захираларини самарали бошқаришга, молиявий интизомни таъминлашга, ўз вақтида қоидабузарликларнинг олдини олиш ҳамда аниқланганларини бартараф этиш чораларини кўришга қаратилган давлат молиявий фаолияти”.

Мазкур бобда бюджет назоратининг шакл ва усуллари таҳлил қилинган. Бюджет назоратининг шакли, умуман молиявий назорат шакли каби, назорат ҳаракатларининг аниқ ифодаланиши ва ташкил этилиши усулидир.

Дастлабки бюджет назорати бюджет тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари ва бюджет масалаларига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида амалга оширилади. Жорий бюджет назорати давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро органлари кўмиталари, комиссиялари ва ишчи гуруҳлари йиғилишларида бюджет ижроси билан боғлиқ алоҳида масалаларни кўриб чиқиш пайтида амалга оширилади. Жорий бюджет назоратининг ўзига хос жиҳати шундаки, у молия органларининг кундалик фаолияти давомида, кўплаб бюджетдан маблағ олувчилар томонидан олинган маблағларни қандай мақсадда сарфланаётгани устидан назорат бўйича олиб борилади. Кейинги молиявий назорат бюджет маблағлари билан бўлган операциялар тугагач, бухгалтерлик ва молиявий ҳужжатларни тафтиш ва таҳлил қилиш, бюджетлар, бюджетдан ташқари жамғармалар, соҳавий дастурлар ҳамда давлат унитар корхоналари сметаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар устидан ташқи аудит ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текширув (шу жумладан аввалги тафтиш ёки текширувда аниқланган бюджет қонунчилигининг бузилиши ҳолатларининг бартараф этилишини назорат қилиш доирасидаги текширув) ҳамда ўрганиш шаклларида амалга оширилади. Дастлабки назорат, жорий

назорат ва кейинги назорат давлат молиявий назоратининг турлари ҳисобланди. Ушбу турларни яна ички назорат тури билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Молия-бюджет соҳасидаги назоратнинг самарадорлиги кўп жihatдан унинг тури, шакли ва усули тўғри танланишига боғлиқ. Уларни мақбул равишда бирга олиб бориш назорат тадбирларини ўтказишда кам ҳаракат сарфлаб, кўп натижага эришиш имконини беради. Бюджет назоратининг турли шакл ва усулларини кўриб чиқиб, назоратни самарали амалга оширишда унинг турлари, шакл ва усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган хулосага келинди. Иқтисодий муносабатлар ривожлангани, бюджет-молиявий институтларнинг кўлами кенгайгани сари бюджет назоратининг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлаверади.

Диссертациянинг **“Бюджет назоратининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш: халқаро ва миллий тажриба”** деб номланган иккинчи бобида бюджет назоратига оид халқаро стандартлар ва хорижий тажриба кўриб чиқиб, давлат молиявий назоратининг коррупцияга қарши курашдаги ролига эътибор қаратилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратининг ҳуқуқий базасини шакллантириш усуллари таҳлил қилиниб, бунда бюджет қонунчилигини такомиллаштирилишнинг асосий йўналишлари сифатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва таснифлаш зарурати келтириб ўтилган.

Ҳозирги замон халқаро молия ҳуқуқи тизимида тартибга солишни асосан молия бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан ташкил этилган хусусий тартибга солувчилар бажаради. Булар - Бухгалтерлик ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш (IASB), Депозитлар суғуртаси халқаро уюшмаси (IADI), своп ва деривативлар халқаро уюшмаси (ISDA), Халқаро молия институти (ИМФ), Ссуда бозори иштирокчилари уюшмаси (LMA) ва бошқалар. Қоида тариқасида, улар юрисдикциялардан бирида ноижорат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтади ва халқаро молиявий ҳамжамият томонидан халқаро молиявий тартибга солувчилар, деб тан олинади. Халқаро хусусий ҳуқуқий-молиявий тартибга солиш асосларини ишлаб чиқишда БМТ нинг ўзига хос ўринга эгаллигини диссертант алоҳида таъкидлаб ўтади. Гарчи, БМТ оммавий тан олинган халқаро молиявий тартибга солувчи бўлмаса-да, унинг норма ижодкорлиги фаолиятида қуйидаги ҳужжатларни келтириб ўтиш жоиз: Ўтказиладиган ва одий ҳисоб-китоблар бўйича ягона векселлар қонун тўғрисида Женева Конвенцияси (1930й.), Мустақил кафолатлари ва резерв аккредитивлар ҳақида БМТ конвенцияси (1995й.), Халқаро ўтказиш векселлар ва халқаро одий векселлар тўғрисида БМТ Конвенцияси (1988й.), Халқаро савдода дебиторлик қарздорликгидан воз кечиш тўғрисида БМТ Конвенцияси (2001 й.). Шунга эътибор қаратиш жоизки, халқаро молиявий стандартлар таркибига БМТнинг молиявий тартибга солиши кирмайди.

Молиявий назорат бўйича халқаро стандартларни шарҳлашни яқунлар экан, муаллиф ҳозирги замонда халқаро стандартларнинг

барқарорлашганлигини таъкидлайди. Лекин ҳозирги кунда халқаро молиявий ҳуқуқ ўзига хос белгилари билан ажралиб туради: биринчидан, универсал характерга эга бўлган ягона молиявий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас; иккинчидан, халқаро молиявий ҳуқуқ нормалари тавсиявий характерга эга бўлиб, юридик жиҳатдан мажбурий бўлмаган ҳужжатлардир, улар тўғридан-тўғри қўллашни кўзда тутмайди; учинчидан, бу нормалар ихтисослашган молиявий тартибга солувчилар томонидан ишлаб чиқилиб, фақатгина ва муайян тармоққа тегишлидир.

Диссертант ушбу бобда Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратининг меъерий-ҳуқуқий базасини шакллантириш масаласини кўриб чиқиб, қўйидагиларни алоҳида таъкитлайди: Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилингунига қадар бюджет назоратининг меъерий-ҳуқуқий базаси анча мураккаб ва баъзан чалкаш тизимга эга бўлиб, бюджет ҳуқуқининг бир хилдаги нормаларини ўзида бирлаштирар эди. Аксарият давлатлар ягона кодификациялашган ҳужжатни қабул қилишдан аввал бюджет муносабатларини тартибга солувчи кўплаб меъерий-ҳуқуқий актларни қабул қилиш босқичидан ўтишган. Бундай тизим секин-аста шаклланиб, бюджет назорати соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг амалда вужудга келиши ва ривожланиб боришини акс эттирувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган.

Ўзбекистонда бюджет назорати бюджет қонунчилиги тизимига мувофиқ ҳолда амалга оширилган. Бу тизим қўйидагилардан иборат: 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси; 2) Ўзбекистон Республикасининг молиявий муносабатларни тартибга соладиган махсус Қонунлари; 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг меъерий-ҳуқуқий актлари; умумий характердаги қонун ҳужжатлари; 4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорлари; 5) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъерий-ҳуқуқий актлари, унинг бошқа кредит ва солиқ органлари билан қўшма қарорлари; 6) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари. Диссертацияда ушбу кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларининг таҳлили келтирилган. Ўзбекистон Республикасида бюджет назорати бўйича қонунчилик тизимининг шаклланишини таҳлил қилар экан, муаллиф қўйидаги ҳолатларга эътибор қаратган. Биринчидан, бу тизим давлатнинг бюджет фаолияти доирасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни йўлга қўяди. Улар ташкилий моҳияти, процессуал мазмуни, икки томонлама субъектлар таркиби, тартибга солиш функцияси билан ажралиб туради. Иккинчидан, бюджет назорати икки йўналишда, яъни бюджет қонунчилигининг маъмурий ижроси устидан ва унинг ҳисоб ижроси устидан назорат шаклида таъминланади. Учунчидан, бюджет назоратининг меъерий-ҳуқуқий базаси шундай хусусиятга эгаки, у ижтимоий, яъни хусусий эмас, балки оммавий манфаатларни рўёбга чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилади. Тўртинчидан, бюджет назорати меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларининг яна бир бошқа хусусияти — улар асосан императив

характерга эга бўлиб, бюджет муносабатларининг барча субъектлари учун мажбурийдир. Бешинчидан, бюджет назорати меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларининг аксарияти компетенцион нормалардан иборат, яъни, улар орқали давлат органларининг бюджет назорати соҳасидаги ваколатлари ўрнатилади.

Шунингдек, ушбу бобда диссертант 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида ўз ўрнини эгаллагани ва давлат молиявий назоратини амалга оширишда асосий қонун ҳужжатларидан бири бўлганини аниқ мисоллар орқали асослаб берган. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг яратилиши ва кучга кириши жараёнини таҳлил қилар экан, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратади. Биринчидан, кодификация жараёнида сифат жиҳатидан янги меъерий-ҳуқуқий акт вужудга келди, у бюджет муносабатларини тартибга солишда ички мувофиқлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда илгари бюджет муносабатларининг ривожига тўсқинлик қилган бир қатор меъерий ҳужжатларни бекор қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, бюджет жараёни илгари жуда кўплаб қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, бу эса айрим нормалар турлича талқин этилишига олиб келар ва уларни ижро этишда қийинчиликларга сабаб бўларди. Бюджет жараёнини тартибга солувчи қонунлар 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Қонунлар эди. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси кучга киргач, улар ўз кучини йўқотди. Бундан ташқари, бюджет жараёни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг 45 та Қарори ва идоравий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинар эди. Улар ҳам Бюджет кодекси қабул қилинганидан кейин ўз кучини йўқотди. Эндиликда бутун бюджет жараёни ягона ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмоқда. Бу эса жуда катта ютуқ ҳисобланади. Иккинчидан, Бюджет кодекси устида иш олиб бориш жараёнида бюджет муносабатларининг назарий асослари бойитилди, илмий аппарат ва атамалар қайта кўриб чиқилди, бюджет муносабатларининг энг муҳим тамойиллари аниқланиб, тартибга солинди. Учинчидан, Бюджет кодексини яратиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди. Тўртинчидан, шундай Бюджет кодекси яратилдики, у юридик ва мантиқий жиҳатдан яхлит, баён қилиш шакли тизимли ҳамда ижтимоий муносабатлардаги йўналишлардан бирини тўлиқ қамраб олган. Шу билан бир қаторда кодекс республикамизнинг амалда ўзини оқлаган меъерий-ҳуқуқий асосларини сақлаб қолган, чунки у давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёни билан параллель равишда шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг уч бобдан иборат VIII бўлими давлат молиявий назоратига бағишланган. Хусусан, 26-бобдан давлат молиявий назорати тўғрисидаги умумий қоидалар ўрин олган. Масалан, 170-моддада кўрсатилишича, давлат молиявий назорати молиявий назорат объектлари йўл қўядиган бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларини

аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўймаслик мақсадида давлат молиявий назорати органлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, мазкур нормада давлат молиявий назорати республика даражасида ва маҳаллий даражада олиб борилиши белгилаб қўйилган. Қайд этиш жоизки, Бюджет кодексига мувофиқ, бюджет маблағлари устидан давлат молиявий назорати фақат режали равишда амалга оширилади. Нормада шунингдек режадан ташқари ўтказиладиган назорат ҳолатлари аниқ белгилаб қўйилган, бу эса текширув субъектлари учун жуда муҳимдир. Режадан ташқари назорат фақат қуйидаги иккита ҳолатда ўтказилади: 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра; 2) давлат молиявий назорати органлари раҳбарларининг қарорига кўра, агар бу органга Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида маълумот келиб тушган бўлса. Бюджет кодекси қабул қилиниши билан бюджет назоратининг тамойиллари, давлат молиявий назоратининг турлари, шакл ва усуллари қонунчиликда ўз аксини топганлиги ҳам муҳим қадам бўлди.

Давлат маблағларининг сарфланиши устидан назорат қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қабул қилиниши билан бюджет назоратининг ҳуқуқий асослари сезиларли тарзда такомиллашди. Хусусан, Бюджет кодекси давлат молиявий назоратининг тамойиллари, шакл ва усуллари, бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби асосий тушунчаларни ўз ичига олди. Шу билан бир қаторда, соҳа қонунчилигини янада ривожлантиришда бюджет маблағларининг сарфланиш жараёнини аниқ тартибга солиш ва назоратни кучайтириш йўлидан бормоқ лозим. Жумладан, диссертант Молиявий назорат олий органлари халқаро ташкилоти (ИНТОСАИ) томонидан қабул қилинган Назоратнинг раҳбарий принциплари Лима декларациясига мувофиқ равишда ички назоратни жорий этиш таклифини киритмоқда.

Диссертациянинг **учинчи боби “Бюджет назоратини амалга оширувчи давлат органлари тизими ва уларни фаолиятининг самадорлигини оширилиши”** деб номланади. Унда бюджет назоратининг институционал асослари, жумладан, вакиллик органларининг бюджет назорати мазмуни ва вазифалари, Ҳисоб палатаси ва унинг бюджет назорати тизимидаги ўрни, умумий ва махсус ваколатга эга бўлган ижро органларининг бюджет назоратидаги ўзига хосликлари кўриб чиқилган. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари тизимида бюджет назоратининг амалга оширилиши таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Давлат бюджети ижроси бўйича дастлабки, жорий ва кейинги бюджет назорати ўтказилади. Маҳаллий бюджетлар ижроси устидан назоратни амалга оширишга келсак, унинг механизми такомиллаштиришга муҳтож. Муаллиф таъкидлашича, бошқа тадқиқотчилар ҳам худди шундай, маҳаллий бюджет назоратини кучайтириш зарурати ҳақида фикр билдирадilar. Умуман олганда, Ўзбекистонда Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси барча даражадаги вакиллик органларининг

доимий назорати остида. Ҳокимиятнинг вакиллик органлари давлатда ягона тизимни ташкил этадилар ва бюджет назоратини бир неча даражада амалга оширадидилар. Биринчи даража - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатасида амалга ошириладиган бюджет назорати. Назоратни амалга оширувчи махсус қўмиталар Ўзбекистон парламентининг Сенати ва Қонунчилик палатасидаги Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталаридир. Иккинчи даража - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашларидир. Учинчи даража эса — Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари бўлиб, улар таркибида махсус бюджет комиссиялари фаолият юритадилар. Шундай қилиб, Давлат бюджетининг ижроси барча даражадаги вакиллик органларининг назорати остидадир.

Диссертант Ҳисоб палатаси фаолиятига тўхталар экан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси бюджет назоратини амалга оширувчи самарали орган бўлиб шаклланиши ва олий назорат органи сифатида давлат механизмида муносиб ўрин эгаллаганини қайд этади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига бюджет назорати соҳасида кенг ваколатлар берилган. Ҳисоб палатасининг ваколатлари Бюджет кодексининг 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг фаолияти кўзда тутилаётган, рўёбга чиқарилаётган ҳамда амалга ошириб бўлинган давлат харажатлари бўйича назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишга қаратилган. Палатанинг вазибаларига қуйидагилар киради: Давлат бюджети лойиҳаларида даромад ва харажатга оид моддаларнинг асосланганлигини баҳолаш; Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган харажатларни кўзда тутувчи қонун лойиҳаларини ва давлат ҳокимияти органларининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини молиявий экспертизадан ўтказиш; Давлат бюджетиде тасдиқланган кўрсаткичлардан четга чиқиш ҳолатларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар тайёрлаш, шунингдек, умуман бюджет жараёнини такомиллаштириш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига мунтазам равишда Давлат бюджети ижроси ва ўтказилган назорат тадбирларининг натижалари ҳақида ахборот тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мамлакат парламентида тақдим этадиган ҳисоботи, қоида тариқасида, қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади. Биринчи бўлим Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот даврида ўтказган асосий назорат тадбирларига бағишланган. Мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳақидаги ҳисоботи бўйича ташқи аудит акс эттирилади. Шу билан бир қаторда, тузилмалар даромадларининг қонунчиликка мувофиқ ҳолда шакллантирилишини текшириш натижалари, вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ижроси, давлат жамғармаларининг ҳолати ва ўзгаришлари каби маълумотлар ҳам бўлимдан ўрин олиши мумкин. Бундан ташқари, биринчи бўлимда Ҳисоб палатасининг эксперт-таҳлилий фаолияти натижалари тақдим этилиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг истиқболдаги молиявий-иқтисодий тараққиёти учун жуда муҳим.

Ҳисоб палатаси ҳисоботининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда олиб борган ишларига бағишланган бўлими муайян объектларда бюджет маблағларининг сарфланиши юзасидан ўтказилган парламент назорати натижаларини, шунингдек, Олий Мажлис палаталари билан бирга ташкил этилган конференция, семинарларнинг материалларини ўз ичига олади. Ҳисоботнинг яна бир бўлими, қоида тариқасида, Ҳисоб палатаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда бажарилган назорат тадбирларига бағишланади. Ҳисоб палатаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг сўровига биноан давлат маблағларини нотўғри сарфлаш ёки талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган текширувларни амалга оширишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларга товар-моддий бойликларни юқори нархларда харид қилиш, маблағларни жаҳон фойиз ставкаларидан паст ставкаларда депозитга жойлаштириш орқали даромадни йўқотиш, товарларни паст нархларда экспорт қилиш, иш ҳажмларини қўшиб ёзиш ва қурилиш-монтаж ишларини сифатсиз бажариш, ишламайдиган ва тўлиқ комплектда бўлмаган жиҳозларни сотиб олиш, даромадни яшириш ва солиқ тўловидан қочиш, фаолиятни лицензиясиз юритиш кабилар киради. Масалан, 2017 йилда Парламентга тақдим этилган Ҳисоб палатасининг ҳисоботида 25 йўналишдаги 131 объектда назорат тадбирларни амалга оширилди. Назорат тадбирлари натижалари асосида тегишли вазирлик, идора ва хокимликларга 19 та ёзма кўрсатма тақдим этилди. Давлат бюджетининг даромад қисмининг бажариш бўйича ўтказилган текширувлар натижасида Самарқанд вилоятида солиқ ва мажбурий тўловлар 955 млн сўм, Фарғона вилоятида 702 млн сўм солиқ тортилмаганлиги аниқланди. Ҳисоб палатасининг текширувлари натижасида Давлат бюджетига етказилган зарарнинг 86 миллиард 643 миллион сўм қайтариб берилди.

Ҳисоб палатаси ҳисоботининг якуний бўлими назорат тадбирларининг натижалари бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида бўлади. Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, Ҳисоб палатаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси билан бир қаторда коррупцияга қарши курашувчи органлардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси - бюджет назоратини амалга оширувчи энг муҳим ихтисослашган орган. Аммо унинг тўсиқларсиз фаолият юритиши учун ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаб қўйиш, яъни “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиб, қабул қилиш лозим. Шундагина Ҳисоб палатасининг шаклланган ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади, бу эса унинг иши янада самарали бўлишига замин яратади. Ҳисоб палатасининг институционал тузилмаси ҳам такомиллаштиришни талаб этади, унда ишлаётган кадрлар сифатини яхшилаш, ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш масалалари долзарб, ҳисобланади.

Диссертацияда умумий ваколатга ва махсус ваколатга эга бўлган ижро органларининг бюджет назорати бўйича функциялари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бюджет назоратини амалга оширувчи умумий ваколатга эга органдир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг назорат фаолияти кўпроқ эксперт-таҳлилий характерга эга бўлса-да, бюджет жараёнининг барча босқичларини камраб олади ва Давлат бюджети ижроси бўйича дастлабки, жорий ҳамда кейинги назорат шаклларида ўтказилади. Дастлабки назорат Давлат бюджети лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш, бюджет-молия масалаларига оид ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш орқали Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда идоралараро ҳукумат комиссияларининг мажлисларида амалга оширилади. Давлат бюджети лойиҳасини тузиш айнан Вазирлар Маҳкамасига тегишли, ўзининг алоҳида ҳуқуқидир. Давлат бюджети лойиҳаси ва унинг молиявий кўрсаткичлари орқали Вазирлар Маҳкамасининг бутун сиёсати рўёбга чиқади. Зеро, бу сиёсатнинг самарадорлиги учун у жамият олдида масъулдир. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси мазкур босқичда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу билан Президентнинг топшириқларини бажариш таъминланади ва мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган барча умумдавлат молиявий эҳтиёжлари ҳам режалаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига белгилаб қўйилган. Хусусан, 25-моддада кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштириб боради; Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади; бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди; бюджетномани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади; давлат бошқаруви органларининг Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади; Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чоракда кўриб чиқади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Дастлабки назорат пайтида Вазирлар Маҳкамаси бюджет лойиҳаси бўйича келишилмаган масалаларни идоралараро ҳукумат комиссиялари доирасида кўриб чиқади, Давлат бюджети асосий характеристикаларининг

ягона вариантини ишлаб чиқиш учун келишув комиссияларида иштирок этади. Дастлабки бюджет назоратини сифатли ўтказиш учун прогнозлаш параметрларини ҳисобга олиш зарур, шу боис Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишда Ўзбекистон Республикасининг келгуси молиявий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогнозини кўриб чиқади. Ҳукумат Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этишни таъминлар экан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорлик қилади, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларига таянади.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий бюджет назорати Давлат бюджети ижросига тегишли алоҳида масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Масалан, йилнинг ҳар бир чораги тугагач, Давлат бюджетининг тегишли чоракдаги ижроси албатта кўриб чиқилади. Қоида тариқасида, бу жараёнда иқтисодиётнинг муайян тармоқларига алоҳида эътибор қаратилади. Давлат бюджетининг ижросини ҳар чоракда кўриб чиқиш жорий назоратнинг мақбул шаклидир. Чунки, у молиявий йил тугамасдан туриб, тегишли кўрсаткичларни тўғрилаб олишга имкон беради. Жорий бюджет назоратига яна давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг ҳолати юзасидан назоратни ҳам киритиш мумкин. Кредит маблағларининг сарфланиши, давлат қарзини бошқариш ва хизмат кўрсатиш, хорижий давлатлардан ва халқаро молиявий тузилмалардан олинадиган кредит ва заёмлардан фойдаланишнинг қонунийлиги, фойдалилиги ва самарадорлиги - Вазирлар Маҳкамаси учун муҳим масалалардир. Давлатнинг ички ва ташқи қарзи устидан назорат қилиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, яъни айрим давлатлар ноқулай шароитга тушиб қолган бир пайтда айниқса катта аҳамият касб этади. Мисол учун, АҚШ, Греция, Италияда давлат қарзининг миқдори жуда ўсди. Биргина Грецияда 2012 йилнинг бошида давлат қарзи шу мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 160% ни ташкил этди. Шундай экан, ички ва ташқи қарзни ҳисобга олиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга ошириладиган бюджет назоратининг ўта муҳим қисмидир.

Кейинги назорат ҳукумат томонидан давлат бюджетининг ижроси бўйича парламентга ҳисобот тайёрлаш, шунингдек, бажарилган бюджетнинг айрим масалаларини муҳокама қилиш шаклида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишнинг умумий тартиби қонунчиликда белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 167-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 5 апрелигача юборади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботга доир хулосани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасига юборади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Бюджет назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли органларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Ғазначилик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига катта вазифалар юклатилган. Президентимиз Ш. Мирзиёев Молия вазирлигининг роли ҳақида гапирар экан, солиқ-бюджет сиёсатига қатъий амал қилиш, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳажми, йирик инвестиция лойиҳалари ва мамлакат муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлашни молиялаштириш - ушбу энг муҳим вазифаларни амалга ошириш, аввало, Молия вазирлиги ва шахсан вазирнинг фаолияти самарадорлиги билан белгиланади, деб таъкидлади¹.

Молия вазирлигининг назорат функцияси айниқса бюджетни режалаштириш босқичида алоҳида ўрин тутди. Амалдаги қонунчиликка кўра, Давлат бюджети лойиҳасини тузиш вазифаси бевосита Молия вазирлигига юклатилган. Бюджет жараёнининг ана шу босқичида Молия вазирлиги бюджетга оид ҳужжатларни синчиклаб текширади, кейин улар асосида бюджетни ишлаб чиқиш, тузатиш ва бошқа бюджет-молиявий масалалар бўйича қарор чиқариш ишлари бажарилади. Қайд этиш жоизки, Молия вазирлиги айниқса туман, шаҳар ва вилоятлар томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳаларини диққат билан текширади.

Молия вазирлиги бюджетлараро трансфертларни тақдим этиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Бюджетлараро трансфертлар - қуйи даражадаги бюджетда барча эҳтиёжларни қоплаш учун маблағ етмай қолган тақдирда унга юқори даражадаги бюджетдан маблағ ажратилади. Трансфертлар дотация ва субвенция шаклида берилади, уларнинг ҳажми молиявий йил давомида ўзгариши мумкин.

Молия вазирлиги томонидан бюджет лойиҳасининг тайёрланиши анча салмоқли таҳлилий ишни талаб қилади. Биринчидан, бу жараёнда даромад ва харажатларни солиштириб, мутаносиблашган бюджет ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари даромад қисми бўйича - Давлат солиқ органлари билан ҳамкорликда, харажат қисми эса - бюджет маблағларини олиш учун топширилган буюртмалар асосида тайёрланади. Иккинчидан, Давлат бюджетини тайёрлаш жараёнида

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси www.prezident.uz

Молия вазирлиги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, мақсадли дастурлар ва ш.к. ларни таҳлил қилади.

Молия вазирлигининг зиммасига бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг оқилона сарфланишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ажратиладиган инвестициялар ҳамда хорижий валютадаги маблағлар тўғри ишлатилишини назорат қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Молия вазирлиги, шунингдек, бюджетда даромад ва харажатларнинг чораклар бўйича тақсимотини мутаносиблашдек ўта муҳим функцияни бажаради, бу эса бюджет ижросини молиявий йил давомида тузатиб, тўғрилаб боришни таъминлайди.

